



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 47 (13.894)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Наврўз байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари, жамоат арбобларидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик ва фаровонлик тилаб, эзгу истаklar изҳор этилган.

Жумладан:

- Хитой Халқ Республикаси Раиси – **Си Цзиньпин**
 - Қозғистон Республикасининг Биринчи Президенти – **Нурсултон Назарбоев**
 - Қирғизистон Республикаси Президенти – **Сооронбай Жээнбеков**
 - Тожикистон Республикаси Президенти – **Эмомали Раҳмон**
 - Туркменистон Президенти – **Гурбангули Бердимухамедов**
 - Озарбайжон Республикаси Президенти – **Илҳом Алиев**
 - Афғонистон Ислоҳ Республикаси Президенти – **Ашраф Ғани**
 - Афғонистон Ислоҳ Республикаси Ҳукумати ижроия кенгаши раиси – **Абдулла Абдулла**
 - Эрон Ислоҳ Республикаси Президенти – **Ҳасан Рухоний**
 - Саудия Арабистони Қироли – **Салмон ибн Абдулазиз Ол Сауд**
 - Саудия Арабистони валиаҳди, Бош вазири ўринбосари, мудофаа вазири – **Муҳаммад ибн Салмон Ол Сауд**
 - Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амири – **шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**
 - Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири – **шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён**
 - Фаластин Президенти, Фаластин озодлик ташкилоти ижроия қўмитаси раиси – **Маҳмуд Аббос**
 - Кавказ мусулмонлари идораси раиси шайхулислом – **Оллошқур Пошшоода** ва бошқалар табрик йўлаган.
- Қутловлар келиши давом этмоқда.

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар! Қадри меҳмонлар! Хонимлар ва жаноблар! Шу тароватли кунларда табиат уйғониб, гўзал диёримизга барчамиз орзиқиб, соғиниб кутган Наврўзи олам кириб келмоқда.

Минг йиллар давомида маънавий ҳаётимизнинг кўрку зийнати бўлиб келатган бу ажойиб, хосиятли байрам бугун қалбларимизга яна чексиз қувонч ва завқ бағишламоқда.

Азим пойтахтимизнинг марказида бунёд этилиб, яқинда фойдаланишга топширилган муҳташам "Хумо" кошоносида сиз, азизларни, сизлар орқали кўп миллатли бутун халқимизни Наврўз байрами билан чин қалбдан табриклашни ўзим учун катта шараф, деб биламан.

Мана шундай файзли, шодиёна айёмда барча шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва овулларда Наврўз сайлини ўтказётган барча-барча юртдошларимга юксак ҳурматим ва энг эзгу тилақларимни изҳор этаман.

Ҳаётингиз баҳор тонгидек тиник, бахтли ва фаровон бўлсин!

Шарқона Янги йилимиз – Наврўзи оламнинг қадами кутлуг ва баракали келсин!

Хурматли дўстлар!

Айни шу бетакрор ва дилбар фаслда барчамиз ўзимизни яшариб кетгандек, вужудимизга янги куч-ғайрат, азму шижоат киргандек ҳис этамиз. Неча юз йиллик анъана ва қадриятларимизни янгитдан кашф этамиз, қандай буюк тарих, қандай буюк маданият ворислари эканлигимизни яна бир бор англаймиз. Ва бундан қалбларимиз гўрур ва ифтихорга тўлади.

Бу йилги Наврўз байрами ушбу муаззам саройда ўтаётганида ўзига хос рамзий маъно бор, албатта. Афсонавий Хумо қуши – эзгулик ва бахт тимсоли, Наврўз эса баҳор ва бахт айёмидир. Бу икки улус тимсол, яъни Хумо ва Наврўз фалсафаси ўзаро уйғун бўлиб, ҳаётимизни янада мазмунли ва мунавар этгай, иншооллоҳ.

Азиз юртдошлар! Барчамизга маълумки, Наврўз – янги кун, янги фасл демакдир.

Бугун она табиат бағрида янгиланиш ва яшараш фасли бошланмоқда.

Жонажон Ўзбекистонимиз ҳам бугун ўз миллий тараққиётининг янги даврига қадам қўймоқда.

Бу – эркинлик ва озодликнинг янги даври, бунёдкорлик ва фаровонликнинг янги, юксак босқичидир.

Бу – "Халқ манфаати ҳамма нарсадан улус" деган эзгу гоя амалий ишлар билан ўз тасдиғини топаётган даврдир. Янги-янги уй-жойлар, замонавий корхоналар, таълим, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари, обод қишлоқ ва шаҳарлар юртимиз чиройига чирой қўшаётган давр бу.

Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, мададга муҳтож инсонлар ва оилаларга чинакам кўмак ва ёрдам бериш, меҳр-оқибат кўрсатиш ҳаётимиз қондасига айланиб бораётган давр бу.

Бу – жаҳон ҳамжамияти билан, энг аввало, яқин қўшниларимиз билан дўстлик ва ҳамкорлик эшикларини кенг очилаётган замондир.

Бу – ўзгариб, куч-қудратга тўлиб бораётган, дунё аҳли эътироф этаётган янги Ўзбекистондир. Айни вақтда буларнинг барчаси – биз танлаган олис ва машаққатли йўлдаги дастлабки қадамлардир.

Бугун кўпни кўрган, мард ва олижаноб халқимиз ўзининг фидокорона меҳнати билан, келажакка мустаҳкам ишончи билан шонли тарихимизнинг янги саҳифасини яратмоқда.

Ушбу кутлуг айёмда мана шундай меҳнаткаш, матонатли, бағрикенг, Ватанга садоқатли халқимизга фарзандлик меҳрим билан чин юрагимдан таъзим қиламан.

Муҳтарам дўстлар!

Наврўз ўзининг ўлмас руҳи, умуминсоний ғоялари билан башарият ҳаётидан тобора чуқур ўрин эгалламоқда. Барчангизга аёнки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарори билан 21 март – бутун дунёда Халқаро Наврўз кuni сифатида кенг нишонланган.

Фурсатдан фойдаланиб, бизга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб, мана шу муҳташам кошономизга ташриф буюрган чет давлатларнинг муҳтарам элчили-

рини, халқаро ташкилотлар вакиллари, барча хорижий меҳмонларимизни, олис ва яқин мамлакатлар халқларини Наврўз байрами билан табриклаб, уларга тинчлик, равақ ва фаровонлик тилашга руҳсат бергайсиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар! Бепойн юртимизни қамраб олган халқ сайилларида бугун "Хар кунимиз Наврўз бўлсин!" деган эзгу тилақлар янграмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, Наврўз ўзининг буюк қудрати билан табиатни уйғотмоқда. Ислохотлар эса жамиятнинг, халқимизнинг онгу тафаккури, беқиёс салоҳиятини уйғотмоқда.

Хозирги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохот ва ўзгаришлар айни шу улус мақсадга – ҳар кунимиз Наврўз бўлишига, яъни эл-юртимиз ҳаётининг обод ва фаровон бўлишига қаратилганини сиз, азизлар яхши биласиз. Биз шу йўлда ўз олдимизга улкан марра ва вазифаларни қўйдик ва уларни халқимиз билан бирга албатта амалга ошираемиз.

Бугун миришкор дехқон ва фермерларимиз катта орзу-ниятлар билан янги меҳнат мавсумини бошламоқда. Барчамизнинг тилагимиз битта: йилимиз кутлуг келсин, ҳосилимиз мўл бўлсин, меҳнатингиздан барака топинг, қадри дўстлар!

Муҳтарам отахон ва онахонлар!

Мулис опа-сингиллар!

Қадри ака-укалар!

Халқимизнинг ишончи ва таянчи бўлган навқирон ёшлар!

Азиз фарзандларим!

Ҳаммамиз учун суякли ва ардоқли Наврўз байрами билан барчангизни яна бир бор чин дилдан табриклияман!

Наврўз ҳар бир хонадонга, бутун эл-юртимизга тинчлик-хотиржамлик, бахту саодат, кут-барака олиб келсин! Барча эзгу ниёт ва мақсадларимиз амалга ошсин! Ватанимиз янада обод, халқимиз доим омон бўлсин! Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ВЕБСТЕР УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда олий таълимни ривожлантириш, таълим фаолиятига илгор педагогик технологияларни жорий этиш, кадрларни тайёрлаш сифатини ошириш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратишга йўналтирилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, таълим хизматларининг замонавий ривожланиш тенденцияси тармоққа хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари илгор тажрибасини янада жорий этиш, улар билан яқин шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, таълим соҳасига чет эл инвестицияларини жалб этиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш зарурати мавжудлигиндан далолат бермоқда.

Иқтисодий тармоқлари учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорлини кенгайтириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

лағлари ва мол-мулк билан ўз мажбуриятлари бўйича жавобгар ҳисобланади;

Марказ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Университет (кейинги ўринларда – таъсисчилар) томонидан таъсис этилади;

Марказ таъсисчилар билан келишилган ҳолда таълимнинг бакалаврият босқичи асосий йўналишлари ва магистратура мутахассислиқларига мувофиқ мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шу жумладан, илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни амалга оширади;

Марказда ўқитиш кундузги таълим шаклида, тўлов-контракт асосида, инглиз тилида, жумладан, электрон таълим ва масофавий таълим технологияларини қўллаган ҳолда Университет томонидан тасдиқланган ўқув режалар ва дастурлар асосида амалга оширилади;

Марказда тўлов-контракт асосида таълим бериш нархи миқдори таъсисчилар билан келишилган ҳолда белгиланади;

Марказда таълим фаолияти 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб амалга оширилади;

Марказга абитуриентлар қабули ва битирувчилар аттестацияси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Университет томонидан белгиланган талаб, тартиб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади;

Марказ битирувчиларига Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинган Университетнинг белгиланган намунадаги дипломи берилади.

(Давоми 2-бетда)

БУНЁДКОР ЭЛНИНГ ФАЙЗЛИ БАЙРАМИ

Пойтахтимиздаги "Хумо арена" мажмуасида Наврўз байрами тантаналари бўлиб ўтди

Қиру адирлар ям-яшил майсалар билан қопланган, атрофни қушлар чуғури-ю анвоий гуллар, гиёҳлар ифори тўтган. Инсон ботинидаги энг инжа ҳисларни-да уйғотувчи кўкларимиз руҳиятимизга бир тозалик олиб киргандай бўлади. Инсон ҳам, табиат ҳам янгиланиш ва яшараш айёми бўлган Наврўзи оламни ана шундай интиқлик, муштоқлик билан кутиб олади.


Янги одам кўзидан, яхши йил Наврўздан маълум, дейди халқимиз. Ота-боболаримизнинг минг йиллик кузатишлари ҳосиласи сифатида дунёга келган бу нақл худди бу йилимиз учун айтилгандек. Она юртимизга кириб келган баҳор йил бўйи келадиган об-ҳаво, шунга мос мўл ҳосил, кут-баракадан дарак бераётгандек...

Ҳа, юртимизга Яратганнинг инояти, табиат мўъжизаси бўлиши кўкларимиз кириб келди. Бу йилги баҳорнинг авжи ўзгача. Эрта баҳордан илқ насимлар эса бошлади. Бундан руҳланган бободоҳон яхши ниёт билан уруғ қадашга шайланди. Шаҳару қишлоқларда, маҳаллау овулларда кўкларимиз қизигандан қизиган: улус бунёдкорлик қудрати, ободлик, поклик нафаси, янгиланиш ва яратиш завқи ҳар қадамда сезилди.

21 март. Азим пойтахтимиз марказида яқинда фойдаланишга топширилган муҳташам "Хумо арена" мажмуаси байрамона безатилган. Наврўзга хос анъаналаримиз, халқ ўйинлари, дор томошалари ташкил этилган. Сўрилардаги дастурхонларга баҳорий таомлар тортилган.

Карнай-сурнай садолари янграб, байрам бошланётганидан дарак беради.

...Асосий саҳна турфа чироқлар, ранго-ранг тасвирлар билан муҳташам мажмуани янада салобатли кўрсатади. Бу ерга сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, фан, маданият, санъат, спорт намоёндалари, ишлаб чиқариш илгорлари, тадбиркорлар, пиру бадавлат отахону онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар эл-



чихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари таширф буюрган.

Тантана иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни қарсақлар билан кутиб олди.

Давлатимиз раҳбари барчани Наврўз байрами билан табриклади.

Муаззам майдон узра борлиқ уйғониши, янги кунни мадҳ этувчи наво таралади. Саҳна сатҳида турфа ранглардаги тасвирлар орқали она замин, ҳаёт абдийлиги тимсоли бўлган фаслларнинг эврилиши, юртимизга кириб келган кўкларимиз сурури акс этади. Чаппар уриб гулларни, дор томошалари ташкил этилган. Сўрилардаги дастурхонларга баҳорий таомлар тортилган.

Карнай-сурнай садолари янграб, байрам бошланётганидан дарак беради.

...Асосий саҳна турфа чироқлар, ранго-ранг тасвирлар билан муҳташам мажмуани янада салобатли кўрсатади. Бу ерга сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, фан, маданият, санъат, спорт намоёндалари, ишлаб чиқариш илгорлари, тадбиркорлар, пиру бадавлат отахону онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар эл-

члик, тотувлик, дўстлик, юртга, она табиатга меҳр-муҳаббат ифодаси бўлиб келган. Аждодларимиз минг йиллардан бери бу кунни эзгулик, бағрикенглик ва тенглик ифодаси сифатида нишонлаб келганлар.

– Оққан дарё оқаверади, деган гапда теран маъно бор, – дейди Қашқадарё вилояти Китоб туманидан келган 75 ёшли Рўзиқул ота Ҳақбердиев. – Шундай замонлар ҳам ўтдики, бу байрамни биздан олмоқчи, Наврўзни ёдидан юртимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари авжга чиқди. Ҳашарлар ташкил этилиб, маҳаллалар, кўчалар, аҳоли турар жойлари ободонлаштирилди, мева ва манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтказилди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ВЕБСТЕР УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

3. Марказнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

а) ахборот-коммуникация технологиялари, оммавий ахборот воситалари, тадбиркорлик, табиий фанлар ва педагогика соҳаларида халқаро стандартлар даражасида юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлаш; иқтисодий тармоқларга инновацияларни жорий қилишни рағбатлантириш, илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш имкониятларини кенгайтириш, таълим олувчиларнинг инновацион ғояларини амалга ошириш учун инвестицияларни жалб этиш; республика олий таълим тизимига замонавий таълим технологияларига асосланган ўқув жараёнларини жорий қилиш бўйича илгор хорижий тажрибаларни татиқ этиш, оқич ахборот-таълим муҳитини ривожлантиришга қўмаклашиш;

б) педагог кадрларнинг профессионал маҳорати даражаси ва сифатини оғишмай ошириш бўйича, Марказнинг профессор-ўқитувчи ходимларини хорижий мамлакатларнинг етакчи олий таълим муассасаларида малака ошириши ва стажировка ўтатиш;

в) таълим ва илм-фаннинг узлуksизлиги ва изчиллиги тамойили, шунингдек, жаҳон таълими ва илмий ҳамжамиятга ўйғун интеграциялашуви асосида мутахассис ва илмий кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш; таълим ва илмий соҳаларда хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари билан узоқ муддатли алоқаларни ривожлантириш ва мустахкамлаш;

г) таълим жараёнига илгор педагогик ва ахборот технологияларини, илм-фан ва техниканинг энг янги ютуқларини татиқ этишни таъминлашга қўмаклашиш;

д) Марказ мутахассислари малакасини ошириш ва профессор-ўқитувчи ходимларини қайта тайёрлашни татиқ қилади;

е) Марказ кутубхона фондини шакллантириш ва уни замонавий ўқув, ўқув-услубий ва илмий-техник адабиётлар билан бойитишга қўмаклашади;

ж) Ўзбекистон Республикасининг бошқа олий таълим муассасалари билан тузилган ўзаро битимлар асосида қўшма таълим дастурлари бўйича мутахассислар тайёрлашни амалга оширадиган;

з) Университетнинг малакали профессор-ўқитувчиларини Марказда таълим бериш ва ўқув жараёнини татиқ этиш учун жалб қилади;

4. Белгилаб қуйилсинки:

а) Марказга таълим олувчиларни қабул қилиш квоталари манфаатдор вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларнинг тегишли кадр-

ларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда таъсисчиларнинг қўшма қарорига биноан тасдиқланади;

б) Марказ фаолиятини молиялаштириш қуйидагилар ҳисобидан амалга оширилади: тўлов-контракт асосида талабаларни ўқитишдан тушган маблағлар;

в) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг асосланган буюртмаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

г) юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

д) халқаро молия институтлари грантлари; қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар;

е) Марказни татиқ этиш, унинг моддий-техника ва таълим базасини шакллантириш, шунингдек, таъмирлаш-тиклаш, бино ва иншоотларни зарур мебель, инвентарь, замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер ва бошқа татиқлий техникалар билан жиҳозлаш бўйича татиқлий-амалий чора-тадбирларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

ж) Марказ профессор-ўқитувчиларини, шу жумладан, хориждан жалб қилинадиган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва хизмат сафари харажатлари Университет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

з) Университетга:

а) кадрларга бўлган эҳтиёж ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши истикболдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда таълимнинг бакалаврият босқичи асосий йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини очигиша; профессор-ўқитувчи ходимлар, шунингдек, педагогик ва илмий иш олиб боришга жалб этиладиган бошқа шахслар меҳнати, яшаши ҳамда транспорт харажатлари учун уларга белгиланган тарифлар бўйича тўлов амалга оширишга ружаст берилсин;

б) Куйидагилар:

1. Тошкент шаҳрида Вебстер университетининг таълим дастурларини амалга ошириш марказини татиқ этиш бўйича татиқлий комиссия таркиби (кейинги ўринларда – Татиқлий комиссия) 1-иловага мувофиқ;

2. Тошкент шаҳрида Вебстер университетининг таълим дастурларини амалга ошириш марказида таълимнинг бакалаврият босқичи асосий йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхати 2-иловага мувофиқ маъқуллансин;

3. Татиқлий комиссия (А.Абдуҳакимов):

а) 2019 йил 1 августга қадар Марказнинг

бино ва иншоотлари реконструкция қилиниши, шунингдек, Марказ профессор-ўқитувчилари учун яшаш жойлари татиқрилиниши;

б) 2019 йил 31 августга қадар Марказни замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютер ва татиқлий техника, ўқитишнинг техник воситалари, адабиётлар, мультимедиа махсусотлари, инвентарь, мебель ва бошқа моддий-техник воситалар билан жиҳозлашни;

в) 2020 йил 31 августга қадар Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурлари доирасида тартиқладиган маблағлар ҳисобидан;

г) Марказда ўқув аудиториялари, таълим олувчилар учун турар жойлар ва профессор-ўқитувчи ходимларнинг вақтинча яшаш учун меҳмонхона типидagi бинолар назарда тутилган 400 ўринли ўқув корпусининг реконструкция қилиниши ва жиҳозла-нишини;

д) Марказни жойлаштириш учун мўлжалланган бинолар комплекси ҳудудига жойлашган ошхона ўрнида тренажёр зали учун ертўлага эга бўлган спорт зали қурилишини таъминласин;

е) Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 13-уйда жойлашган Тошкент архитектура-қурилиш институтининг бино ва иншоотлари ҳамда унга туташ ҳудуд оператив бошқарув ҳуқуқи билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ўтказилсин ҳамда кейинчалик бепул фойдаланиш учун белгиланган тартибда Марказга берилсин;

ж) Марказнинг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш ҳамда жиҳозлаш бўйича:

а) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қосидаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси – буюртмачи;

б) "Grand stroy proekt" МЧЖ – бош лойиҳа татиқлиоти этиб белгилансин;

в) Буюртмачига, истисно тариқасида, танлов савдоларисиз, энг мақбул тариқларни танлаб олиш орқали Марказнинг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш бўйича бош пудратчини белгилашга ружаст берилсин;

г) Марказга иккита, шу жумладан, битта шахсий бириктирилган ва битта навбатчи энгил автотранспорт воситасини сақлашга лимит ажратилсин;

д) 2022 йил 1 апрелга қадар:

Марказ барча турдаги солиқлар тўлашдан;

Тошкент шаҳри, 2019 йил 20 март

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан Сурхондарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда татиқлий этилаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивалига татиқгарлик жараёнига бағишланган видеоконференция бўлиб ўтди. Унда мазкур ижодий лойиҳа доирасида Термиз шаҳрида амалга оширилаётган ишлар ҳусусида батафсил сўз юритилди.

● Бухорода "Ватан – менинг нигоҳимда" шiori остида ўтказилаётган Республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 30 нафар имконияти чекланган ёш ижодкорлар рангтасвир асарлари, миниатюра, ёғоч ўймакорлиги, зардўзлик, каштачилик, қулоллик ҳамда хунармандчиликнинг бошқа йўналишларидаги буюм ва махсусотлари билан иштирок этишди.

● Андижонда Ўзбекистон бокс федерациясининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда федерация ва унинг минтақавий бўлимлари моддий-техник базасини мустахкамлаш, федерация бўлимларига салоҳиятли, жонқуяр ва малакали мутахассисларни жалб этиш, спортчилар, ҳакамлар билан ишлаш, малакали ҳакамларни татиқлаш, ўтказилаётган мусобақалар сифати ва савиясини янада ошириш, халқаро ҳамкорликни мустахкамлаш, умуман, ўзбек боксини янада ривожлантириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш масалалари муҳокама қилинди.

● Китоб туманидаги Қайнар қишлоғи кенгликларида Наврўзи олам тантаналари ўзига хос тарзда нишонланди. Чунки байрам доирасида халқаро кўпқари ва кураш мусобақалари ўтказилди. Унда мамлакатимиз вакиллари билан бирга Марказий Осиё давлатлари ҳамда қўшни Афғонистондан келган чавандозлар ҳам от сурдилар. Йиғилганларда чавгон, арқон тортиш, кўчкор ва ўрзориштириш каби халқ ўйинлари ва дорбозларнинг томошалари ҳам катта қизиқиш уйғотди.

ЖАҲОНДА

● Жазоир ўзининг ҳаво кенгликларини "Boeing-737 MAX" русумли самолётларнинг парвози учун ёпиқ деб эълон қилди.

● Иқлимшуносларнинг ҳулосаларига кўра, ҳатто ҳавога турли зарарли газларнинг чиқарилишига тўлиқ барҳам берилса ҳам, Арктикадаги ҳароратнинг юқорилаб боришини тўхтатиб бўлмайди. Тахминларга қараганда, 2050 йилга бориб қишки ҳарорат камида 3 градусга, 2080 йилга келиб эса 9 градусгача ошади. Жаҳон океан сатҳининг кўтарилиши сув тошқинлари, қирғоқларнинг емирилиши ҳамда ичимлик сувининг ифлосланишига олиб келади. Океан қирғоқлари атрофидаги турар жойлар яшаш учун яроқсиз бўлиб қолади.

● 2018 йилги жаҳон чемпионатидан сўнг бош командада ўз фаолиятини якунлаган футбол юлдузи Лионель Месси илк бор яна терма жамоа либосида майдонга тушадиган бўлди. У бу гал Марокаш терма жамоаси билан ўтказиладиган ўртоқлик учрашувида иштирок этади. Қизиги шундаки, Мессининг ушбу ўйинда қатнашиши учун марокашликлар 450 минг долларлик мукофот пулини ажратган.

ҚИСҚА САТРАПДАРДА

● Пойтахтимизда "Artium" савдо маркази қуриб битказилди. Ушбу савдо маркази тез кунда иш бошлайди.

● Шаҳримизнинг бирқанча ҳудудларида 21-24 март кунлари Наврўз сайиллари ўтказилади.

● Пойтахтимизда XV "Россия гуллари" Халқаро маданият фестивали ўтказилади.

24 март куни пойтахтимизда I халқаро Тошкент ярим марафони бўлиб ўтади. Унда дунёнинг 23 давлатидан келган 200 дан ортиқ профессионал атлетлар иштирок этади.

Матназар ЭЛМУРОДОВ, ЎЗА мухбири

БУНЁДКОР ЭЛНИНГ ФАЙЗЛИ БАЙРАМИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Байрам кунларида сергайрат ёшлар, қўли оқич тадбиркорлар қўмакка муҳтожларга беминнат ёрдам бериши. Беморларнинг ҳолидан хабар олинди. Қўни-қўшнилари бир-бирларига Наврўзнинг тансиқ таомларини илдинди.

Наврўз биз учун бунёдкорлик ва яратувчилик байрами сифатида ҳам қадрлидир. Наврўздан Наврўзгача мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилади. Бу эзгу аънана бу йил ҳам давом этади. Қўлаб уй-жойлар, замонавий корхоналар, маданият ва спорт саройлари қурилади. Саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, туризм ва бошқа соҳаларда стратегия лойиҳалар амалга оширилади. Иқтисодий тармоқлар қилишга қаратилган саяё-ҳаракатлар натижасида ўтган йили аҳолининг реал умумий даромадлари 2017 йилга нисбатан 12 фоизга ошди.

Инсон қадр-қимматини эъозлаш, унинг манфаатларини ҳамма нарсадан устуни қўйиш барча бугундаги ислохотларнинг бош шiori этиб белгилангани эришилаётган натижаларда ҳам яққол ифодасини топмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида бошланган бунёдкорлик тўлиқни бутун мамлакатимизни камраб олди. Бу халқимиз эртага, узоқ келажакда эмас, бугун яхши яшаши керак, деган олижаноб ғояни рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

Биргина ўтган йилнинг ўзида бу борадаги қурилиш ва ободонлаштириш ишларида 3 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Натижада 416 та қишлоқ янгича қиёфа касб этди. Бир сўз билан айтганда, одамларнинг турмуши ўзгарди, ҳаётига мазмун кирди.

Эртагина эгалари бўлган болаларнинг чиқишлари, уларнинг шўх-шодон кулгулари, мустақил юртнинг баркамол фарзандлари ижросидаги она Ватанини, қўламини, бахтиёр болалиқни мадҳ этувчи жарагдор куй-қўшиқлар, жозибадор рақслар барчага завқ-шаўқ ушлади. Наврўз, ёшлик ва баркамолликнинг нақадар уйғунлиги кўз ўнгинида гавдаланади.

Ўтган йилда ҳаётимизнинг бошқа жабҳаларида, жумладан, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт соҳаларини ривожлантириш йўлида ҳам муҳим қадамлар қўйилди. Айниқса, юртимиз ёшлари Индонезида бўлиб

ўтган Осиё ва Парасиё ўйинларида, Аргентинада ўтказилган ўсимирлар Олимпиадасида юқори ўринларни эгаллагани барчамизни қувонтирди.

Мамлакатимизда Корея соҳада олиб борилаётган ҳаёт-бахш ислохотлар самарасида иқтисодий таълимнинг рақобатбардорлиги мустахкамланиб, Ватанимизнинг халқаро майдондаги нуфузи юксалиб бораётганида намоеён бўлмоқда. Жумладан, мамлакатимизнинг оқич ва фаол татиқ сийсати жаҳон давлатларининг эътиборига тушди. Бугун Ўзбекистонни ишончли ҳамкор деб билган мамлакатлар сафи кенгайиб, халқаро муносабатларда мамлакатимизнинг дўстлари тобора ортиб бормоқда.

2018 йилда ана шундай ҳамкор давлатлар билан қарийб йигирмата расмий ташрифлар амалга оширилди ва 52 миллиард долларлик 1 минг 80 та лойиҳа бўйича келишуларга эришилди. Президентимизнинг жорий йилда Хиндистон Республикаси ва Германия Федератив Республикасига расмий ташрифлари бу борадаги марралар сари қўйилган янада дадил қадамлар бўлди.

Наврўз байрамининг ўзига хос шуқуқи халқларни бирлаштириди, – дейди Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Факултетида ва мухтор элчиси Квон Ён У. – Кореялик ҳам Ўзбекистон халқи сингари табиат билан боғлиқ удуларни жуда қадрлайди. Бундай муштараклик халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар янада мустахкамланишида муҳим омиллардан биридир.

Ўтган йили "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастури доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард долларга тенг 76 мингта лойиҳа амалга оширилиб, мамлакатимиз тараққийоти янги босқичга кўтариш йўлида улкан қадамлар ташланди. Бу борадаги ишлар қўлами Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йиллида ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Жорий йилги Инвестиция дастури доирасида мамлакатимизга жами 4,2 миллиард доллар қийматидаги тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодий таълимни жадал ривожлантириш кўзда тутилган. Бу, ўз навбатида, ҳар бир оила, ҳар бир жамоа ҳаётида янги-янги ўзгаришларга олиб келади, халқимизнинг байрамлари шуду

Ўлкамизда Наврўз шукуҳи



ЮРТИМИЗДА БАЙРАМ ШОДИЁНАЛАРИ

“Наврўз” умумхалқ байрами миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизга бўлган ҳурмат ва муҳаббат туйғуларини, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлайди. Байрам шодиёналари юртимизнинг ҳар бир ҳудудида давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги институтида ҳам “Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!” шiori остида байрам тадбири нишонланди. Унда институт жамоаси, фахрийлар, курсантлар, Яшнобод туманидаги 30-сонли Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари иштирок этди.

Институт бошлиғи, юридик фанлари доктори, полковник Н.Нарматов байрам билан барчани қутлаб, Наврўз арафасида мамлакатимизда одамлар орасида ўзаро меҳроқибат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, бегараз ёрдам, меҳр-мурувват, кам таъминланган оилаларнинг ҳолидан хабар олиш каби эзгу фазилатларни юксалтириш, маҳаллалар ҳамда аҳоли турар жойларини обод қилиш ва кўкаламзорлаштириш каби эзгу ишлар умумхалқ ҳаракати даражасига кўтарилишини таъкидлади.

ИИВ Ёнғин хавфсизлиги институти профессор-ўқитувчилари, курсант ва тингловчилари томонидан миллий байра-

мимиз арафасида ҳашарлар ўтказилиб, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Тошкент шаҳрининг Сергели, Тошкент вилоятининг Зангиота тумани ва Янгийўл шаҳри маҳаллаларида ҳашарлар уюштирилди. Байрам тадбирида институт ходимлари ва курсантлари ўртасида спорт турлари бўйича мусобақалар уюштирилиб, сайиллар ташкил этилди. Ходимлар, курсантлар ва тингловчилар учун озиқ-овқат маҳсулотларининг арзонлаштирилган нархлардаги савдо ярмаркаси ҳамда бадий китобларнинг савдо кўرғазмаси ташкил этилди.

Ички ишлар вазириликнинг ашула ва рақс ансамбли ҳамда институт Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги бадий ҳаваскорлик тўғрисидаги аъзоларининг куй-қўшиқлари тадбир иштирокчиларида илиқ таассурот қолдирди.

**Гулноза БОБОЕВА,
ЎЗА муҳбири**

БОҚИЙ ВА БЕТАКРОР АЙЁМ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатларо муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси биносига туташ сўлим хиёбонда ҳам Наврўз айёмига бағишланган тантаналар кўтаринки, самимий, байрамона руҳда бўлиб ўтди.

Хиёбон юртимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказлари, бадий жамоалар, ҳамюртларимиз ва хорижий меҳмонлар билан гавжум.

Бу ерда миллий куй-қўшиқларимиз билан бирга сайқал топиб, мазмунан бойиб келаётган айёмдир, – дейди Ўзбекистон рус миллий маданият маркази раҳбари Сергей Миронов. – Жонажон Ўзбекистонимиз барчамиз учун мўътабар ошан дийёр, бахту иқболлими кўртак ёзган маскан саналади. Марказимиз ҳам ушбу байрамга катта тайёргарлик кўрди. Концерт дастури, амалий ва

бадий асарлардан иборат кўрғазма, театрлаштирилган томошалар тайёрланди. Бу каби тадбирларда ёшларимизнинг ҳам фаол қатнашаётгани уларни шу азиз юртга чексиз муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

– Мен шу заминда туғилдим, – дейди Людмила Ли. – Фарзандларим, невараларим ҳам шу тупроқда камолга етмоқда. Сайл баҳонасида дўстлар, қадрдонлар билан дийдорлашдик. Дилдан гурунглашдик. Палов, сумалак тамадди қилдик. Наврўз бир-биримизнинг, тинч ва осуда ҳаётнинг, Ватанимиз – Ўзбекистоннинг қадрига етишга, уни кўз қорачиғидек асрашга ундовчи ажойиб байрамдир.

Тадбирда Ватан, эзгу аънаналар, баҳор айёми, боқий Наврўз, дўстлик ва ҳамжиҳатликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Н.УСМОНОВА

ЯНГИ САЙИЛГОҲ ОЧИЛДИ

Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари учун сеvimли майдонга айланган “Халқлар дўстлиги” саройи ҳудудида ўтган йили Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ўрнатилган эди. Унинг баландлиги 65 метр, бўйи ва эни 20 метрга 10 метр.

20 март куни пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек ва Махтумқули кўчалари кесилган жойда ҳам давлатимиз байроғи ўрнатилди. Кўкда ҳилпираб турган маҳаббатли байроқнинг баландлиги 57 метр. Давлат байроғи ҳар бир фуқаро онгу шурига Ватанимиз рамзларига нисбатан чуқур ҳурмат туйғуларини синдириши, шубҳасиз.

Мазкур ҳудудда баҳор айёми – Наврўз муносабати билан “Наврўз” номли сайилгоҳ очилди ва мусиқали фаввора ишга туширилди. 12 метргача юқорига бўй чўзадиган фаввора куйга мос рақс тушади.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиқжўжаев сўзга чиқди.

– Байрам арафасида ушбу сайилгоҳнинг очилиши, барчамизни бирдек қувонтирди, – деди Жаҳонгир Ортиқжўжаев. – Бу ер уч ой аввал ташландиқ жой эди. Мана, бугун гўзал бир масканга айланди. Бу ерда Wi-fi ҳудуд ва китоб мутлола қилиш учун қулай шароит яратилган.

Сайилгоҳнинг очилиш маросимида қатнашаётган одамларнинг кўзида қувончни кўриш мумкин. Улар Тошкент шаҳри кундан-кунга ўзгариб бораётганидан мамнун.

– Ўттиз олти йилдан буён шу ерда яшайман, – дейди нафақадаги ўқитувчи Суннатилло Пирназаров. – Илгари бу жойлар бир заводга қарашли ҳудуд эди, кейин бозор қурилди. Бир неча йил аввал бозор бузилиб, ўрнига йўл тушди, банк қурилди. Шундан сўнг ҳам катта ҳудуд очик қолганди. Бугун эса шу ҳудудда давлатимиз рамзаларидан бири – байроғимиз осмон узра ҳилпираб турибди. Энди сайилгоҳга набираларим билан тез-тез сайр қилгани чиқиб турамиз.

Хуршид КОДИРОВ



Наврўз удумлари

МЕҲР-МУРУВВАТ ВА ОҚИБАТ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

Айни кунларда пойтахтимизда Наврўзга бағишланган байрам тадбирлари ўзига хос тантаналар билан ўтказилмоқда. Айниқса маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда пиширилаётган Наврўз таомлари сумалак ва ҳалимлар барчани бирдамликка чорлаётгандай...

Наврўз байрами шу муқаддас заминда ўзига хос маданиятни тараннум этган буюк аждодларимизнинг яратувчанлиги, янгиланиш билан боғлиқ ҳаётбахш гоёларини ўзида мужассамлаштирган қадриятлари қадрланган, аънаналари улуғланган, миллийликни ўзида акс эттирган гўзал байрамдир.

Ушбу умумхалқ байрами халқимиз орасида эзгуликни улуғлаб, яхшиликка чорлаб, хайру саховат, оқибат ва меҳр-

мурувват гоёларини инсонлар кўнгилларга жо қилади. Меҳнатсевар халқимизни бунёдкорлик, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларига сафарбар этади.

Асрлар оша сайқаллашиб келаётган бу гўзал шодиёна дамларида нуруний отахон ва онахонларимиз қўлларини дуога очиб юртимизга осойишталик, фаровонлик деҳқонларимиз далалирига эса мўл ҳосил ва кут-баракат тилайдилар.

АЛЛОМАЛАРНИНГ ФИКРЛАРИ

Абу Райҳон Беруний, Абу Бакр Наршахий, Махмуд Қошғарий, Рабғузий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби алломаларимиз асарларида келтирилган маълумотларга қараганда Наврўз байрами бундан тўрт, тўрт ярим минг йил муқаддам вужудга келиб, халқимизнинг энг улуғ умидбахш шодиёнаси сифатида асрлар оша нишонланиб келаётганини кўрсатади.

Жумладан мутафаккирларнинг вақт ҳисобини юргизиш билан алоқадор аънаналари, осмон жисмлари ҳаракати ва табиат ҳодисалари-

ни мутассил кузатишга асосланган ҳаётий тажрибаларининг келиб чиқишига асос бўлган.

Абу Райҳон Беруний Наврўзнинг келиб чиқиши ҳақида фикр юритар экан, шу куни Аллоҳ фалаклар ҳаракатсиз тургандан кейин уларни айлантириб ва ёритқилар (сайрдан) тўхтатгандан кейин уларни сайр эттириб юборган. Қуёшни яратган, ниҳоят у туйфайли муддатнинг йиллар, ойлар, кунлар ва бoshқалардан иборат бўлақлари яширинликдан кейинги маълумликка айланган ва

ҳисоб боши улардан бошланганини қайд этган. Бу эса Наврўз байрамининг келиб чиқишини она сайёрамизга ҳаёт бахш этиб турган қуёшни улуғлаш само жисмларини кузатиш аънаси билан бевосита алоқадорлигини кўрсатиб беради деган фикрларини илгари сурган.

Қуёшнинг ҳамал буржиги ўтиши ҳамда янги меҳнат мавсумининг бошланиши муносабати билан ўтказилган баҳорий тенгурлик йилбошини қаршилашда ҳам алоҳида аҳамият касб этганини қайд этган.

ҚАДРИЯТЛАР ҚАДРЛАНАДИ

Наврўз умумхалқ байрамида ариқ-зовурлар тозаланиб, янги боғлар барпо этилади бу эса халқ орасида “ҳашар” ва “йилбоши” деб номланган.

Бойчечак, лола ва бошқа гуллар жамланмасидан “гул сайли” ва “шеърый айтишмалар” маросимлари нишонланади.

Байрам арафасида қилинадиган “қозон тўлди” удумлари ва кўклам ойида далага биринчи марта кўш чиқариб, дон экишга оид “шоҳ мойлар” маросими, етти хил дондан “наврўз гўжа” пишириш ва етти хил қўқатдан қўқ сомса тайёрлаш одати, аргимчоқ учиш, сумалак ва ҳалим тайёрлаш, варрак учирши каби аънаналарнинг ҳар бири ўзига хос рамзий маъно касб этган бўлиб, уларнинг негизда аждодларимизнинг эзгу тўшунчалари мужассамдир.

Шу боис бу байрам барчани бирлаштиради, ҳамкорликка даъват этади, одамларни бунёдкорликка ундайди, қалбларни меҳр-мурувват нури ила мунаварр этади.

Наврўз, ризқ-рўзимиз манбаи табаррук заминни севишга, меҳнатни қадрлашга, кўклам мўъжизаларидан баҳра олишга ва она табиатнинг бутун гўзаллиги-ю тароватини дилларга жо этишга ўргатади.

Бу байрам халқимиз фаровонлиги, юртимиз тинчлиги ва тараққиётининг ўзига хос тамойилларини намойиш этади. Наврўз байрами билан боғлиқ барча қадимий қадриятларимиз бугунги кунда асл қиёфасига қайтди ва эзгуликка йўғрилган янги қирралари билан сайқал тоғди.

Бинобарин кўпқари, кураш каби миллий ўйинларимиз аргимчоқ учиш, варрак учирши, қўқор уруштириш аънаналари, фольклор-этнографик жамоаларнинг чиқишлари, лапар, ўлан, алла оҳанглари, хунарманд усталарнинг амалий санъат асарлари намуналари, дорбоз, аскиячи ва қизикчиларнинг томошалари Наврўзи олам байрамини нишонлашда муҳим ўрин тутайди ва байрамга янада фойз киритади.

Гулчехра ДУРДИЕВА



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРИДИР

Ҳар тунунг қадр ўлубон, ҳар кунунг ўлсун Наврўз.

Боғбон – ўз боғини аввало юрагида кўкартиради.

Наврўз офтоби сабаб кўз очгандек куртаклар, Истиклол қуёшидан гул ёзмақда юраклар.

Чорвадорнинг бугунги бири – эртанинг иккисидир.

Навбахор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар, Сухбат айлайлик, келинлар, жўралар, ўртоғлар.

Дехқон – ризқ сардори.

Васл аро кўрдум, тенг эмиш бўйи-ю сочи, Тун-кун тенг экан, зоҳир ўлур бўлди чу Наврўз.

Ер кўкармай, эл кўкармас.

Наврўз – меҳнат, меҳроқибат, инсонпарварлик, муҳаббат, севги, садоқат ва инсонийликнинг энг олийжаноб хислатларини ўзида мужассам этган улуг кундир.

Олтинни ҳам ердан оладилар.

Янгиланиш, яшариш ва яшнатиш фаслисан, Кўнгилларни ёритган Наврўзи-айёмимсан.

Ерни рози қилсак, у эҳсонни дариф тутмайди.

Далаларга ишлов бер, шудгорлайвер ерларни, Қутлуғ Наврўзим келди, чорлайвер деҳқонларни.

Дехқоннинг қўлидан ер ва ноннинг ҳиди келади.

Баҳорим – навбахорим, фасли гул, райҳонимсан, Оламга нур таратган кўклайомим-моҳимсан.

Меҳнатидан элни баҳраманд қилган одам – қадр топади.

Куртак очиб гўнчалар, ифорлари таралди, Гул Наврўзим тафтидан кўнгил нурга бурканди.

Меҳнат инсонни улуғлайди.

Замин узра навбахор ўз сеппини ёймоқда

Наврўзи олам ифори, дунёларни тутмоқда.

QISHLOQQURILISHBANK

АТБ "ҚИШЛОҚҚУРИЛИШБАНК" ТОШКЕНТ ШАҲАР МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Ўлкамизга қутлуғ қадамлари билан кириб келган Наврўзи олам шодиёналари билан барча ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини самимий табриклайди. Кўклам, яшариш ва янгиланиш фаслида сиз азизларга энг ёрқин, энг ёруғ кунларнинг саодатини, фарогатини, ҳузур ва ҳаловатини тилаб қоламиз. Наврўзи олам юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик, ризқ-рўзимизга барака, дастурхонимизга тўжин-сочинлик ва ҳар биримизнинг дилимизга шукроналик туйғуларини олиб келсин. Азизлар, Наврўз шукӯҳи кўнгилларингизга ҳамшаҳа баҳорнинг ҳуш нафасларини, ажиб ифорларини ва қувончли онларини тўхфа этсин!



АТБ «Қишлоққурилишбанк» Тошкент шаҳар минтақавий филиали Сизнинг инвестицион лойиҳаларингизни молиялаштиришдан доимо мамнундир.

Хизматлар лицензияланган

AGROBANK

Агробанк жамоаси барча юртдошларимиз ва ўз мижозларини Наврўз байрами билан қутлайди!

Яшариш ва янгиланиш айёми муносабати билан банк янги омонат турини таклиф этади!

"Баҳор - 2019"

миллий валютадаги омонати:

✓ Йиллик фоиз ставкаси: банкда расмийлаштириганда - 20 фоиз;

✓ "Agrobankmobile" иловаси орқали расмийлаштириганда - 21 фоиз.

- ◆ Минимал талаб этиладиган маблағ - 1 000 000 сўм.
- ◆ Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

Агробанк омонатлари Сиз учун!

www.agrobank.uz
tel. (+99871) 203 88 88
/AgrobankChannel /agrobankuzbekistan
Agrobank Mobile иловасини юклов санинг
Download on the App Store
GET IT ON Google Play
Хизматлар лицензияланган

Таълим

ОЧИҚ ДАРСЛАР САМАРА БЕРЯПТИ

Пойтахтимиздаги умумтаълим мактабларида пайшанба ва жума кунлари "Очиқ дарслар куни" ва "Кузатув кенгаши куни" доирасида очик дарслар ўтказилиб келинмоқда.

Олмазор туманидаги 15-умумтаълим мактабида ҳам "Очиқ дарслар куни" ва "Кузатув кенгаши куни" ота-оналар, кенгаши аъзолари мактабдаги дарс жараёнларини кузатиб ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Очик дарсларни ўқитувчилар слайдлар, кўргазмалар, кўрсаткичлар ва видеороликлар орқали ташкил этдилар. Мазкур мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Гўзал Жалилова шоира Зулфиянинг 104 йиллигига бағишлаб "Баҳор келди сени сўроқлаб" мавзусида битирувчи синфларга ўтган очик дарси ўзига хос тарзда қизиқарли ва қизгин муҳокамаларга сабаб бўлди. Очик дарсда "Шухрат" маҳалласи фаоллари, ота-оналар ва мактаб ўқитувчилари қатнашди. Ушбу мактабнинг 7 "А" синфида физика фанидан Гулноза Хошимова томонидан ўтказилган "Физика қонунлари", 4 "В" синфида инглиз тили ўқитувчиси Нозима Саидова томонидан уюштирилган "Чет тилларини мустақам ўрганишимиз", математика фанидан Илҳом Абдуллаев

ва Дилшод Назаров 6 "А" ҳамда 6 "В" синф ўқувчилари учун ўтказган "Биз Ал-Хоразмий издошлари" мавзусидаги очик дарслар ўқувчиларнинг билим ва кўникмасини ошириш билан бирга уларнинг онг ва тафаккурини теранлаштиришда ҳам муҳим аҳамият касб этди. Бошланғич синф ўқитувчиси Дилафрўз Ғуломов томонидан ташкил этилган "Адабиёт" ва "Баҳор келди" мавзусидаги дарслар нафақат ўқувчилар балки ота-оналарга ҳам бирдай манзур бўлди. Бундай очик дарслар ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатни яхшилайти ва мустақамлайти. Бизнинг асосий мақсадимиз - келажак авлодни маънавий ва ҳар томонлама етук, комил инсонлар бўлиб ўсиб-ўлғайишига муносиб ҳисса қўшиш. Бунинг учун эса биз ўқитувчиларга барча имконият ва шароитлар яратилиб берилган, - деди 15-мактабнинг "Ўзбекистон тарихи" фани ўқитувчиси Гулбаҳор Ходиева. **Жамолдин ҲАМДАМОВ**

СПОРТ БИЛАН БАРКАМОЛЛИК САРИ

Яккасарой туманида жойлашган олий таълим муассасалари талаба-қизлари ўртасида спортнинг волейбол тури бўйича "Ёшлар олтин түпи" мусобақасининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Юртимизда спортни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериб келинмоқда, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Яккасарой туман Кенгаши раиси З.Саъдуллаев. — Бу каби мусобақаларни ташкил этиш орқали ёшларни оммавий тарзда спортга жалб этишга эришилапти. Қизлар ўртасида спортнинг аҳамияти ва соғлом турмуш тарзи тарғиботи келгуси ҳаётларида асқотиши шубҳасиз. Зеро, соғлом она соғлом фарзандни дунёга келтиради. Мусобақа якунларига кўра Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети жамоаси 1-ўринни кўлга киритди ҳамда турнирнинг Тошкент шаҳар босқичига йўланма олди. Ғолиб ва совриндорлар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи

Яккасарой туман Кенгашининг эсдаллик совғалари ва дипломлари билан тақдирланди. Тадбир сўнггида иштирокчи қизлар бўш вақтларини мазмунли ва фойдали ўтказишларида турли тўғараклар билан бирга бу каби спорт мусобақаларининг ўрни муҳимлигини таъкидлаб, ташкилотчиларга миннатдорчилик билдиришди. **Зиёда РАСУЛОВА**

"Наврўз" бошқотирмаси

1. Умар Хайёмнинг Наврўз байрами ҳақидаги асари. 2. Мураккаб гулдилар оиласига мансуб, япроқлари шифобахш гиёҳ. 3. Азиз неъмат. 4. Дарахтнинг ёш, бутқасиз тармоғи. 5. Халқимизга хос ҳозиржавоблик сўз ўйини. 6. Дехқончилик қуроли. 7. Шамсий йил ҳисобида янги йилнинг бошланиши. 8. Бугдой унидан тайёрланадиган ҳолвайтарсимон таом. 9. Коинотнинг рангли жилваси. 10. Ҳашарот, гуллар ошиёни. 11. Баҳор даракчиси, тез учар куш. 12. Табиий равишда ўсадиган гулли ўсимлик. 13. Баҳорда хушбўй кўкатлар солиб тайёрланадиган таом. 14. Меҳнатқаш ҳашарот. 15. Наврўз таоми. 16. Сумалакнинг бугдойдан тайёрланадиган масаллигининг кўриниши. **Тузувчи Шавкат ХИДОЯТОВ**



Футбол янгиликлари

САРАЛАШ ТУРНИРИДА УЧТА ЖАМОА ҚАТНАШАДИ

Маълумки, футбол бўйича 2020 йилда ўтказиладиган навбатдаги Осиё чемпионати Таиланд мезбонлиги қилади.

Ушбу нуфузли турнирнинг саралаш босқичи эса 22-26 март кунлари Тошкентда бўлиб ўтади. Осиё чемпионатига саралаш баҳсларида Любинко Друлович бош мураббийлигидаги Ўзбекистон олимпия терма жамоамиз Покистон, Ҳиндистон, Тожикистон олимпия терма жамоаларига қарши бир гуруҳда ғолиблик учун кураш олиб бориши керак. Аммо, айрим сабабларга кўра, қитъа биринчилигининг саралаш баҳсларида Покистон терма жамоаси қатнашмайдиغان бўлди. Эслатиб ўтамыз, ушбу мусобақанинг

дастлабки учрашувини олимпиячиларимиз 22 март кунини Ҳиндистонликларга қарши ўтказишса, 26 март кунини тожикистонлик чарм тўп усталарини мағлуб этишлари керак. 2020 йилда Токиода уюштириладиган ёзги Олимпиада ўйинлари йўланмасига эга чиқиш учун Любинко Друлович шогирдлари албатта халқаро турнирларда фақат зафар кучишлари шарт. Биз олимпиячиларимизга қитъа биринчилиги саралаш турнирида омад ёр бўлишини тилаб қоламиз. **Ақбар Йўлдошев**

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 22 март кунини ҳаво ўзгариб туради, кечқурун ёмғир ёғиши мумкин. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 7-9,

кундузи — 16-18 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 22 мартда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. Факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма тавоқ, офсет усулида босилади. 2343 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси, Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Ақмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 23.10